

Келишмов номлаш

# ТОШКЕНТИ ОҚШОМИ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар рўномаси

№ 207 (7. 896)

1991 йил

25 октябрь, жума

Нархи 8 тийин.



Рунома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

## Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси хужжатлари

лойиҳалари—муҳомада

### ОЧИҚ-ОЙДИН ЭЪТИРОФ ЭТИЛСА

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси таъсис қурултоғини қақриш буйича шахримиз районларидаги муваққат комитетлар ва уларнинг аъзолари ўз вазифаларини астойдил ундадилар. Районларда ХДПнинг таъсис конференциялари бўлиб ўтди ва Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг район ташкилотлари ташкил этилди. Янгидан ташкил этилган партия ташкилотлари фаолияти ва Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг хужжатлари лойиҳалари муҳомадаси ҳақида муҳбиримиз бир гуруҳ ХДП аъзолари билан суҳбатда бўлди.

Республика кўз касалликлари шифохонасининг бош шифокори Клара Валиева:

— Партия янги хужжатлари лойиҳаларида партия турмуши ва фаолиятининг баъзи жиҳатлари назаримда эътибордан четда қолгандек туюлади. Шифокор бўлганим учун партия Дастурининг «Оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш — партия ижтимоий сийосатининг энг муҳим йўналиши» деб номланган 5-бобини қайта-қайта ўқидим. Унда партия соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиши ҳақида гап боради. Шу бўлимга болалар соғлигини муҳофаза этишни боғча ва мактабларда кучайтириш, бунинг учун болалар масканларида олиқ маълумотли шифокорлар ишлатилиши йўлга қўйиш керак, деган жумлани кiritишни истардим.

Кўз инсоннинг шамчироғи. Уни даволаш жуда озикли. Шу машаққатли ва озик соҳада 60 нафар олий маълумотли шифокор ва 200 нафардан кўпроқ ўрта маълумотли тибобий ходимлари жамоамизда меҳнат қилмоқда. Йилга шифохонамизда 6—6,5 миң кишининг кўзи даволанади. Финляндиядан олиб келинган ва кўз жароҳлиги асослари билан муаммолар тазминланган автобусда 3 нафар олий маълумотли шифокор ва етарлича ҳамширалар билан вилоятларнинг узоқ районларида бўлидилар. Уша жойини ҳанда кўз хасталиқларини жароҳлиқ кўзи билан даволайдилар. Яқинда улар Бухоронинг узоқ Томди ва Қорақўл районларида бўлиб қайтидилар.

Бизда ҳам, вилоят кўз касалликлари шифохоналарида ҳам ўринлар сонинан. Эңиллик катта. Шифохонамиз 100 ўринга муҳалланган бўлса-да, ҳозир бир йўлга 260 киши даволанмоқда. Шунинг учун шифохоналар сонини кўпайтириш, аёлларнинг қамайтирилган иш сонини аниқ белгилаш, мактабларда болалар учун сут дўконлари очилиши каби долзарб масалаларнинг Дастурда очин-ойдин эътироф этилишини хоҳлайман.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясига жамоамиздан 11 киши аъзо бўлди. Улар юқоридagi тақлифларга бир овоздан қўшилдилар.

127-авторхонанинг таъмирловчиси, бошланғич партия ташкилототи Файфиддин Зайнуллоев:

— Низом лойиҳасида партиянинг ўз фахрийларига қандай муносабатда бўлиши, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақидаги қарашлари ёки мажбуриятлари акс эттирилмаган.

Наҳотки, фахрийлар унутилса? Менимча бунга йўл қўйиб бўлмайди. Шу сабабли Нишонинг «Партия ва ёшлар» бўлиминан кейин «Фахрийларга муносабат» деган бўлим ёки бади киритилиб, унда партиянинг шу борадаги мақсададари батафсил баён этирилиши зарур, деб ҳисоблайман. Ахир, 30 йиллаб автомашина бошқарган, ҳозирда кенгайиб мен каби осорноқ юмушга ўтганлар ўзлари ҳақида партия хужжатларидан аниқ фикрлар ўқилиши хоҳлайдилар. «Партиянинг худ набавларидан ва мулкдан маънавий аъзолик бадали ва бошқа даромадлардан тушган маънавий зарур қисмини бошқарилган ташкилотлар эҳтиёжга ажратиб ҳақида билдирилсади. Мен зарур қисми ўрнида 40 фонд деб ўзгартирилишини истардим.

Тошкент шаҳар Улуу Ватан уруши қаҳшчилари ва ногиронлари шифохонасининг бош шифокори Эргаш Қурбонов:

— Мен юқоридagi ҳамкасбим ва таъмирловчининг фикрларига юз фоиз қўшиламан. Бизда асосан уруш ногиронлари, байналмилалчи жангчилар ва Чернобул воқеаси иштирокчилари даволанадилар. Улар ўзларига берилаётган имтиёзлар ҳақида шифокорлардан кўп сўрашади. Шундай бўлса, ХДП хужжатлари лойиҳаларида ана шундай кишиларга қўрсатиладиган ҳамхўрлик ва имтиёзлар алоҳида бир модда қилиб берилса яхши бўларди.

Суҳбатдош Халид РАФУРОВ.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### М. МИРСАИДОВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТУҒРИСИДА

Совет адабиётини ривожлантириш ва тарғиб қилишдаги катта хизматлари, самарали жамоат фаолияти учун «Улисини» журналининг бош муҳаррири Мирмуҳсин Мирсаидов Ленин ордени билан мукофотлансин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифонининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль. 1991 йил 22 октябрь.

### «СЎҒДИЕНА»ГА ОҚ ЙЎЛ

ЧИМЕН тоғлари шаҳар ўтказмоқда. Ҳомиллар болаларининг дам оладиган энг хушманзара масканларидан бири ҳисобланади. 26 ва 27 октябрь кунлари бу ерга дам олишга чиққанлар ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлишлари мумкин. Гап шунданки, автомобилли спорт федерациясини, Тошкент шаҳар ёшлар Иттифонини шаҳар йўловчилар ташкилотини, «Уловчилар ташкилотини» билан ҳамкорликда «Сўғдиена» — 91» деб номланган авторалнинг

## ГАПДАН АМАЛИЙ ИШГА

ҚАЙТА тарбияладан кўра тарбияни ёшлардан олиб бериш динчиллик тўғри эканлиги ҳаммамизга аён. Яқинда Қирова районидagi мактаб ва болалар муассасаларида таълим-тарбиянинг бугунги аҳоли ва бу борада келажакда қилиниши зарур бўлган масалалар юзасидан кенгайтирилган кенгаши бўлиб ўтди. Алоқа электротехника олий билимгоҳининг катта мажлислар залига олилар, маҳалла комитетларининг раислари, фахрий ота-оналар, таърибали ўқитувчилар тўпланишди. Тошкент шаҳрида таълим-тарбиянинг аҳоли ҳақида шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев сўзлаб берди.

96-мактаб ота-оналар комитети номидан А. Набиқўжаев, 260-мактаб ота-оналар комитети раиси, педагогика фанлари доктори Д. Шариповлар ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Юнусобод даҳасининг 15-мавзесидagi «Мустақиллик» маҳалла комитетининг раиси Эгамназар Қодиров болалар тарбиясида ота-болаларимиз меҳорисидан фойдаланиш зарурлиги ҳақида қизиқарли, жонли мисоллар билан маъруза қилди. Хуллас, келиш-қиёватдан жиноятлари қамайтириш, таълим-тарбияда юз бераётган камчиликларни йўқотиш чоралари ҳақида қилинадиган аниқ ишлар режалари белгилаб олинди. Бу кенгаш «Гаддан амалий ишга» ширин остида ўтди.

Сўздулла СУЛТОНОВ.



«Средазабель» ишлаб чиқариш бирлашмасидagi дастгоҳ ва ускуналарини бошқаритишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Чунки улар жуда мураккабдир. Лекин илгор ишчи Дмитрий Пироговский бунинг Холмат Мирзақаримов сурапти.

## ШАҲАР ФАХРИЙЛАРИНИНГ АНЖУМАНИ

Уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийлари Тошкент шаҳар кенгашининг ҳисобот-сайлов анжумани бўлиб ўтди. Шаҳар фахрийлар кенгашининг раиси Собир Охунжонов ҳисобот маърузаси қилди.

ТУРМУШИМИЗ кун сайин қимматлашиб борапти. Кенга шидagi кишиларга мулкжалланган арзон нархдаги моллар пештахталарда борган сайин қамайиб кетмоқда. Бинобарин бундай шароитда нафақа оладиган кишилар, ёшлар, хасталар ва ногиронларнинг ҳаёт кечиришининг ўзи бўлмайди. албатта, Хўш, уларни қандай қилиб ижтимоий ҳимоялаш мумкин? Шаҳар фахрийлар кенгаши ўзининг бутун куч-гайратини ана шу етилган муаммоларни ҳал этишга қаратмоқда. Шаҳримизнинг кариб ҳар бир районига раҳмдиллик ва меҳр-муруват жағғармалари ишлатиб турибди. Уларнинг муассаслари орасида фахрийларнинг кенгашлари ҳам бор. Тиббий ва савдо хизмати,

ижтимоий масалалар шаҳар фахрийлар кенгаши комиссияларининг назоратида турибди. Албатта ҳали кўпгина хал этилмаган муаммолар бор. Бу муаммолар бизнинг ҳаётимизда кунимиздаги мамлакат иқтисодиётидаги танг бир ҳолатда яна ҳам чуқурлашиб бормоқда. Хасталанган кенга кишилар дорин-дармонлар, парҳез маҳсулотларининг етишмаётганлигиндан азият чеқмоқда. Улар савдо, уй-жой коммунал ташкилотлари ходимларининг уларга эътиборсизлик қўрсатаётганлигиндан тез-тез шикоят қиладиган, ҳамма жойда уруш ногиронлари ва фахрийларнинг навбатсиз хизмат қўриштиришига аъволлар йўқлиги. Ахир ўзининг бир дунда, энг оддий ва кичик маънавий муаммоларини ҳал этиш учун навабат кутиш-

ларга улар қаердан ҳам жисмоний куч топиша олади? Ҳозир навабатда шаҳар фахрийлар кенгаши ўз мажлисларида вақти-вақти билан ана шу масалаларга тўхталяпти, тегишли комиссиялар мунтазам текширувлар ўтказмоқда, бу текширувларнинг аяқлари юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиламоқда. Фахрийлар ўз мажлисларида шаҳар раҳбарларини ҳам тақлиф этмоқдалар.

Ҳисобот даврида шаҳар фахрийлар кенгаши ўз куч-гайратини ана бир муҳим масалага — фахрийларнинг ширкатлари ва кичик корхоналарини ташкил этишга ҳам қаратди. Кўпчилик районларда бундай ширкатлар ва кичик корхоналар ишлаб турибди, улар нафақа ҳақураарини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турибди, уларнинг фаолиятдан тушган фойданинг бир қисми эса фахрийлар ташкилотининг ҳисоб-китоб

Бугунги кун нафаси

## ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов Андижон вилоятида бўлди. У Ленин, Андижон, Жалолқудук, Қўрсонтепа районларининг жамоа ва давлат ҳўжалиқларида, саноат корхоналарида ишчилар, деҳқонлар, ижарачилар, уй бекалари, зинавлар билан учрашди.

СССР Олий Кенгаши Республикалар Кенгашида ташкилий масалалар муҳомада қилинмоқда. Кенга бу юқори палата раисининг Олий Кенгашидаги барча республикалар томонидан қозғолишлик аъзули ва жамоат аъзоби Анувар Олимовнинг номзоди кўрсатилди. Бу номзодга овоз бериш кейинроқ бўлади.

Россия Марказий банки амалий ахборот бошқармасининг бошлиғи Михаил Беллев ТАСС муҳбирга Россия пулининг муомаласига чиқарилиши муқаррардир ва бу хоҳлаган вақтда бўлиши мумкин, деб айтди.

Ўзбекистон Президенти Абдулқодир Қўлиевнинг фаолиятини билан республика шаҳар ва районларида ижтимоий ҳокимиятнинг дастлабки 17 раҳбари тайинланди. Бу жойларда ижтимоий ҳокимиятни кучайтириш мақсадида қилинмоқда. Янги ижтимоий ҳокимият бошқаруларининг ўз вазифасини бажаришга киришдилари билан халқ депутатлари шаҳар ва район Кенгашлари ҳамда улар ижтимоий комитетларининг аҳолилари тўхтади. Собиқ тизимнинг бўлими ва бошқармалари фаолияти эса ижтимоий ҳокимият бошлиғи ўз аппаратини шакллантиришга қадар давом эттирилади.

Кеча Москвада Исроил давлати консулхонаси тантанали вазиятда очилди.

28 октябрда Қозғоистон Президенти Нурсултон Назарбаевнинг Буюк Британияга расмий сафари бошланади. У Англияга бу мамлакат Бош вазири тақлифига Биноан йўл олмақда.

СССР Ички ишлар вазириликнинг жамоатчилик билан алоқа марказининг маълум қилишича, мутахассислар иттифоқидagi «Пинхон» иқтисодиётининг 1991 йилдаги даромади 110—130 миллиард сўмга етди, деб ҳисобламоқдалар. Улар фикрича яқин йилларда бу даромад 200 миллиард сўмга ҳам етиши мумкин.

Кеча Шимолий Атлантика ассамблеясининг Мадрид учрашувида қайтиб келган эстон делегациясининг раҳбари Юло Нугис Эстония НАТОга аъзо бўлиш ниятида эканлигини айтди.

Болгария Президенти Желю Желев РСФСРга амалий сафари давомида Россия билан Болгария ўртасида элчиҳона даражасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлигини маълум қилди. Шу муносабат билан Желю Желев Болгария ўз мустақиллигини эълон қилган СССРнинг бошқа иттифоқдош республикалари билан ҳам дипломатик алоқалар ўрнатишга таяёр эканлигини билдирди.

Бугунги кун нафаси

## «Наврўз»даги тадбир

КЕИНИНГИ пайтларда турли касб эгаларининг байрамларини кенг нишонлаш яхши ағъана тусига кирди. Автомобиль транспорт ходимларининг 70 йиллик байрамлари ҳам кўп жойларда нишонланди. Жумладан шаҳримиздаги «Наврўз» қошонасида ҳам халқ депутатлари Акмал Иқомов район Кенгаши ва район ижтимоий комитети томонидан ушбу санага бағишланган «Набсим — фаҳрим» байрами ўтказилди. Унда Автомобиль транспорти вазириликнинг ходимлари, район транспорт қорхоналари ва турли ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Иштирокчи халқ депутатлари район Кенгашининг раиси Қудратилла Рафиқов кириш сўзи билан очди. У мустақил республикамизда илк бор автомобильчилар байрами нишонлаётганлигини таъкидлаб, машаққатли ва савобли касб соҳиблари байрам билан таърифлади. Сўнг 2-авторхона касаба уюмаси комитетининг раиси Фарҳод Раҳимов, 18-автотбус саройи жамоасининг раҳбари Баҳодир Ташабоев, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг илгор ҳайдовчиси, Ўзбекистон халқ депутати Фарҳод Маматов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Кечага Мухриддин Холиқов бошчилигидаги дастанинг дилрабо кўшиқлари, А. Қаҳҳор номли район маданият уйи ҳаваскорлари ижросидаги лирик ашулар, танили кулли устаслар Айниддин Зайниддинов, Жамолдин Раҳимовларнинг ичкучуда аскиялари ўзига-ўзига бағишланди. Илгор сўзида райондаги барча илгор автомобилчиларга эсдалик совғалари топширилди.

«Наврўз»даги тадбир

## Обуна—92

ГАЛВИРНИ сўздан кўтарилган палла яқинлашмоқда. Обуна тўплаш мuddати туғашига саноқли кунлар қолди. Шунинг учун булса керак ҳозир шахримизнинг обуна шифага жалб этилган мавжуд 12 та бўлими, иккита «Филателия», савкиз та рўномалар дўконлари, 164 та алоқа бўлимлари ҳамма шифа одалар билан гаважум. Бугун ҳатто Тошкент шаҳар «Союзпечать» агентлигининг бошлиғи Рустам Қосимовнинг хонаси ҳам обуначилар билан тўла.

Юқоридagiлардан ташқари яна 107 та халқ ташуви эканлиги истикомаат жойларда обуна билан шугулланмоқда. Улар ўрдамдан аёниқси Улуу Ватан уруши ва меҳнат ногиронлари, кенсалар бақраманд бўлишпти. 15 октябрда бўлган маълумотга кўра обуна суммаси ҳажини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққослаганда 60,8 фозга бақарилди.

«Уртоқ» қандолат фабрикаси, 2521-автокотлоини, Чилонзор савдо маркази, район озиқ-овқат бўлими, ошоналар трестини киритиш мумкин.

Рустам Қосимов дарҳол ўша алоқа бўлими ва унда хизмат қилаётган кишиларнинг исми-шарифларини суртишга кетди.

«Сизга нотўғри маълумот беришибди, — дейди у ниқоят Камол Аҳмедовга юзлашиб. — Ҳеч қилма бундай буйроқ берилган эмас. Обуна тўплаш октябрь ойининг охиригача давом этади.

Обуна мuddати тугаб бораётганлигини инобатга олиб биз саноат-қурилиш банки бўлимида 000428319 ҳисобини очдик. Агар ҳали обунага ёзилишга улгурмаган корхоналар бўлса улар бир йўла оммавий тарзда шу ҳисоб орқали истаган рўномана ва ойномалар келгуси йил обунасини расмийлаштиришлари мумкин.

Биз шу ерда ҳозир бўлган ишчилар Ҳамид Егоров ва Абдулла Иброҳимовларнинг қайси рўномаларга обуна бўлганликлари билан қизиқдик.

Шаҳар бўйича Куйбишев, Киров, Ленин районларида обуна тўплаш ахши борапти. Октябр, Бикетмир районларида эса бу борада оқсш сезилмоқда.

Рустам Қосимов ҳузуридан чиқар эканмиз, бизда биронта алоқа бўлимига кириб, у ерда обуначилар қандай қабул қилинаётганлиги билан танишиш истаги туғилди. Шу ниятда Ўзбекистон кўчасидаги 1-алоқа бўлимига кирдик. Хизматчилардан бирига «Оқшомга обуна бўлиш истаганда келганлигинизни айтдик.

Биз шу ерда ҳозир бўлган ишчилар Ҳамид Егоров ва Абдулла Иброҳимовларнинг қайси рўномаларга обуна бўлганликлари билан қизиқдик.

Шаҳримиздаги «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Хлопкомаш», «Малика», Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиғи машинасозлиғи ишлаб чиқариш бирлашмасида, Тошкент Давлат дорифундуни ва ўқитувчилар тайёрлаш олийгоҳида обуна тўплаш кўнигидагидек эмас. Ҳатто шу кунгача келгуси йил обунасини учун бирор сўм ўтказмаган корхона ва ташкилотлар ҳам кўллаб учрайди. Улар жумласига «Узводстройдеталь» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Зенит», экскаватор завод-

Муҳарририятдан: муҳбиримизнинг юқоридagi тилга олган мисолларини биринчи йил бўлаётган йўлга алоқа бўлимларида тазорқ юқорига маълумот тайёрлаш баҳонасида обунасини бир ҳафта — ўн кун илгари тугаллаш одад бўлиб қолган. Унда қилганимиз, мутасадди раҳбарлар бу йил ана шундай ҳолларга йўл қўймайдилар. Агар бирор алоқа бўлимида обунасини расмийлаштиришдан бош тортишса, ушбу телефонларга (33-29-70, 33-57-84) кўнгирок қилишингизни илтимос қилаемиз.

«Оқшом» — бу энг сўнгги илтимослар, энг маназилар, энг асарур хабарлар!

Шунингдек, рўномалар ҳафталик телекўрсатувлар дастури, раи-баринг аълои ил тинорот хабарлари ҳоп этилади.

Обуна мuddати тугашига бир ҳафта қолди.

«Тошкент оқшомини» ўз вақтида олмоқчи бўлсангиз, унга ёзилишни сўнгги кунларга қолдирманг!

Ҳар бир оқшомнинг диланш суҳбатдонига айланган «Оқшомга» бағиш!

Мажмуд КОМЛЖОНОВ.



АЗИС муштарий! Мен сизга бир киши ҳақида хикоя қилиб бермоқчиман. У хоржий, қўшни мамлакат фуқароси. Аввалига ёсамми, ёмасамми, деб кўп ўйладим. Ёвай десам, унинг ақлу заковати, хулқ-оёди, жаҳон фани, маданияти олдигаги хизматини таъйинлашга қаламим оқибганини сездим. Ёмасдан ҳам туролмадим, зеро, мана шунақа кишилар тўғрисида ҳам ҳаётда яхшилик, эҳтиш, мавжуд, нур ва ҳақиқат бор... Шу ёсандан ёздам ва сизга етказишга аҳд қилдим.

— О, азизим доктор Малик, — дерди юзидан нур ёрилиб. Аҳмад Ҳасан Доин ёши анчага бориб қолган бўлса ҳам чарчаб нималигини билмасди. Сўзимнинг исботи: ўн уч миң километрдан ортқ йўлни яъни Астрахандан Хористага бўлган масофани бирон-бир марта бўлган шикоят қилмай босиб ўтди. Айни пайтда ЮНЕСКОнинг ишончли вакили машҳур тарихчи, шарҳунос олим сифатида экспедициянинг хоржий олимларига илмий раҳбарлик қилди ҳам.

Ўзбекистон—Покистон: ҳамкорлик қирралари

ДОНИШМАНД БОБО



Мен кўп кишилар билан суҳбатда бўлганман, улар орасида алломалар ўз соҳасининг бағоят билимдонлари, юриштиришда, ахлоқ-оғдоба иборат бўла оладиганлари кўп. Аммо афсуски, Аҳмад Ҳасан Доинга ўхшаганлари санокчи...

Профессор Доиннинг меҳрибону ҳам-хўр, ширин сўзу куюнча, одамону камтар, сермулоҳазаю серадишча, адолатлиги ҳақиқатгўй, камуқому зукко, покниза, имонли, саховатли деб таърифласам ҳам унинг қиёфасини аниқ чиқиб беролмайман. Яна қачон яхши сифатлар бор бўлса дунёда Доин домлани шунча таърифлагим келарди.

Узоқ йўл босиб чарчаб, хориб бир жойда тўхтадик. Чўлу ёйбон. Сувларимиз тугатган. Саксондан ошиб тўлғонини қоралаб қолган нуруний бобонинг ихтиёда қишлоқидан лаблари тамшанар... бирон бир пилёла сув бормини дей у ён-бў ёққа алаңларди. Шу пайт кўзим эпюн ҳамроҳларимизга тушиб қолди.

Аҳмад Ҳасан Доин Ўзбекистонини, хусусан, унинг тарихини жон-дилдан сезиши, эъзолашининг кўп бор гувоҳи бўлдим сафарда. Айниқса у темирйўллар хуусида одил баҳо бериш тарафдорини эналлгидан бир мен эмас, барча ихтиёда мамнун бўлдим.

Биз у кишининг раҳбарлигида салкам ўн уч миң километр йўлни икки ой давомнда босиб ўтдик. Ўнлаб қадимий шаҳарларини, нарвонсаройларини, ўтмиш меъморий обидларини, сугорилиш иншоотларини, азиз-авлиёлар мақбараларини кўздан кечиридик, минглаб турли миллат кишилар билан мулоқотда бўлдик...

«Буюк ипак йўли» экспедицияси тугаганда, биз минг йиллик қадрдондек кучоқлашиб хайрашаддик. — Яна кўришамизми? — деганимда у: — Доктор Малик, ниятимиз муштарак бўлгач, албатта кўришамиз, — деди.

Малик МУРОДОВ, профессор.

СУРАТДА: (чапдан) Малик Муродов, покистонлик Аҳмад Ҳасан Доин, эрон олимни Хумоюн ушлик ҳаваскор созандалар орасида.

ТАНИҚ ШАРҲУНОС ОЛИМ ШОИСЛОМ ШОМУҲАМедовнинг «Гулбоғ», «Гулбоғ сайри» китоблари ўз вақтида кўччилик китобхоналар диққатини тортган эди.

ҚАЙТА кўриш даври мажлислари хўп қизғин ўтмоқда. Ана шундай мажлисларнинг бирида бошқиларимиздан бири қаттиқ таниқда учради. Бунга чидолмаган бошқиларимизга қиёб таниқчига жавоб берар экан, унинг асли ички дунёси очилиб, оғиздан ҳатто ҳақорат сўзлар сочилиб маънавий қашшоқлиги шундоққина кўришиб қолди.

ГАБИРИЛИК ОҚИВАТИ ДУСТЛАРИМДАН бирига кўп йиллар мобайнида нима китобим чиқса шуни тақдим этиб келдим. Лекин аста-секин меннинг унга муносабатим ўзгара бошлади. Китобларим қўлга тушса, уларга гайрилик кўзи билан қараб, янги китоб берсам нафасини ичига тушиб кетар, ҳасаддан жонини халқунга келар эди. Бошқа ишларда ҳам унинг ақли кишиларга ёт жаҳолати афрўқ экани ёни бўлиб қолди. Мен ҳам уни ортқ қийнамоқ нисофдан эмаслигини тушунидим, китоб совиға қилишни тўхтадим ва ҳаммаёб дустларимга дедим: — Ёзувчи ва олимлар, сизларгадир бу китоб: — Ичи қаро кишига тақдим этилган ҳеч китоб. Китоб ичра хат чўбдир фўйдадан улар бечабра. Ҳеч ёришмас диллари кирса ҳақини оғиб.

Бу орада: — Вақт, — деган хайричилар бўлди. Вошқил шу йўл билан минбардан қувилди. Енимда ўтирган ўртоғим менга: — Бу қандоқ бўлди... Бундай ҳол дорифундури тарихида биринчи марта содир бўлишиёв, — деди. Яна: — Ўзлари ҳам жуда баъчаналиқ қилдилар-да, — деб қўшиб қўйди. Мен уни астагина ҳазрати Навоийдан бир бағу эслатдим: Агар эл этмасе ҳиомат сенга, ўзингдан керакдир шикоят сенга.

Шу йилнинг 27 октябрида Ўзбекистон автомобиль транспортчилари ўзларининг 70 йиллигини нишонлайдилар. Хўш, бу қутлуғ санага қандай таёйргарлик билан келинда? Жамоатчи мухбиримизнинг ушбу саволига Тошкент шаҳар пассажир транспортини ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош муҳандиси Қахрамон Раҳматуллаев жавоб берди.

ОДАТДА, халқимиз ҳар бир санани мунособ меҳнат ютуқлари билан кўнати олишга одатланган. Шу анъанга кўра автотранспортчиларимиз бу кунин яхши кўрсаткичларни қўлга киритган ҳолда қўтиб олишгати. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври қийинчиликларига қарамай, шаҳарда йўловчилар ташиш тўққиз ойлик режаси 116 фоизга адо этилди. Ени 33 миллион 937 миң ўринга 39 миллион 530 миңдан ортқ йўловчилар ўз манзилларига етказилдилар.

Шаҳар бўйича 505 та «Икарус», 30 та «Кароса», жами 2558 та автобуслар 195 йўналиш бўйича мунтазам қатнаб турибди. Охунжон Исмоилов бошчилиқ қилаётган 3-автобус саройи, Уткир Тожиев раҳбарлигидаги 12-автобус саройи, Саъдулла Аъзамов бош бўлган 2-таксимоткор комбинати ҳайдовчилари аҳолига намунали хизмат кўрсатишгати.

қизилқувилар учун ҳам фойдадан ҳоли бўлмайдди. Туркистонда, жумладан, Ўзбекистонда автотранспортнинг вужудга келиши 1921 йилда тўғри келди. Ўша пайтда Туркистон АССР халқ хўжалиқ Марказий Кенгаши қўшидаги меҳнат ва мудоффа кенгашининг буйруғи билан марказий автосекциялар тўзилиди. Унга чет эл марказига мансуб 40 та энгил ва 15 та юк автомобилли, Тошкентдаги уста...

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН АДАШМАЙДИ

хоналар ҳамда ишдан чиққан 30 та эски машина эҳтиёт қисм билан берилди. 1922 йилда эса Туркистон республикасининг автомобиль саройига чет элдан 59 та энгил ва 21 та юк машинаси келтириб қўшилди. 1924 йилда Ўзбекистон ССР ташкил этилиши билан тармоқни бошқаришда ҳам ўзгаришлар рўй берди. Шу йилдан бошлаб автотранспорт ўрта Осиё маҳаллий транспорт бошқармасини яхширига ўтказилди. Тошкент шаҳри билан Троицк қишлоғи ўртасида биринчи мунтазам автобус қатновини йўлга қўйилди. Бу йўналишда чет эл фирмаларида ишлаб чиқарилган «Форд», «Штейер» автобуслари қатнай бошлади. 1926 йилда «Узавтотромтор» акционер жамияти тузилганидан...

сўнг йўловчиларни автомобилларда оммавий ташиш йўлга қўйилди. Агар 1953 йилдан 1965 йилгача бўлган давр мобайнида жумҳурият автосаройлари фақат 4,2 марта кенгайган бўлса умумфойдаланиш даражаси автотранспортлар соани 19 марта кўпайди. Натияжада жумҳурият автотранспорт вазириги ихтиёрида хўжалиқ ҳисобида иш олиб боровчи йирик автохўжалиқлар тўзиш зарурати туғилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, республикада халқ хўжалиқининг ўсиши, саноат тараққиёти автотранспорт тармоқининг ривожланишига сабаб бўлди. Эндиликда автомашиналарга ортқлаштирилган юклар ҳамма кўпайиб машиналар қувовлари талабага жавоб бермай қолди. Бу тармоқни такомиллаштириш мақсадида кўнтейнерларда юк ташишга ўтилади. Шундай қилиб, 1972 йилда республикада биринчи бўлиб, Тошкент 1-нон заводида савдо тармоқларига кўнтейнерларда нон маҳсулотлари ташиш бошланди. Юк ташишининг бу илгор усулини кейинчалик Тошкентдаги 2512 автокамланма амалга оширди. Ингилдининг қаноти бор, лезанларидек, 1975 йилда «Ўзбекистон шаҳарлараро» республика...

ишлаб чиқариш бирлашмаси кўнтейнерлар воситасида юк ташишга ўтди. Шаҳарда янги-янги саноат корхоналарининг қурилиши шайқиларининг ўсишига сабаб бўлди. Бу албатта ўз навбатида автотранспорт хизматини тўғри йўлга қўйишни талаб қиларди. Агар 1976 йилда автотранспортда 1 миллион 555,5 йўловчига хизмат кўрсатилган бўлса орадан тўрт йил ўтгач ва рақам 1 миллион 876,6 кишига ортди. Йил сайин йўловчилар ташиш ҳажми ошиб бораётганини эътиборга олиб 1986 йилда шаҳримизда метрополитенининг бир қисми ишга туширилди. Ўтган беш йил мобайнида Тошкент автосаройлари 1138 та автобус, 3542 та энгил такси машиналари билан тўлганга қарамай, пойтахтда йўловчиларга хизмат кўрсатиш бирмунча орқанда қолмоқда.

Автотранспортчиларнинг келажак режалари ҳақида гаплашсак... Кўриб турибсизки, бозор иқтисодиёти ишбилармонлиқни ёқтирипти. Айниқса ҳозир узоқни кўзлаб иш юритилмасга бўлмайдди. Шу нунга назардан қараганда олимизда улкан режалар турибди. Улар аҳолининг автотранспортга бўлган ошиб бораётган талабини қондирши, янги-янги автобуслар билан автосаройларимизни тўлғатиши, машиналарни зарурий эҳтиёт қисмлар билан етарлича таъминлаш каби вазифалардан иборат. Хуллас, бир сўз билан айтганда, ниятимиз аҳолига янада намунали хизмат кўрсатишдан иборат. Бу ҳар бир автотранспортчининг шарофли бурчидир.

Суҳбатдош ЗИЁУДДИН ОРИПОВ.

Инсонийлик сабоқлари

МАЪНАВИЙ ГЎЗАЛЛИК

МУСТАҚИЛ Республикамининг ёшлари орасида ўзининг ажойиб фазилатлари билан эл ҳўрматига сазовор бўлаётганлар оз эмас. Шулардан бири Гули. Бўржарнинг нозани ва нозик қизи. Исми жисмига ярашиқ, Камуқум, ўта камтарини, лекин тадбиркор бу қиз ўзининг меҳнатсеварлиги билан шухрат таратди. У баъзилардек шон-шухрат орқасидан қувмади. Ўзига ортқча оро беришни ор деб билди. Баъзи мантанчоқ қизлардек ўқиб ва меҳнатдаги ютуқини кўз-кўз қилмади. Қасбига меҳр қўйди. Ешлик кучининг гавҳарини, қалбига уйғонган орзу-умидини тикувчиликка бахшида этди.

У дастлаб оддий тикувчи бўлиб ишлади. Зеҳни ўткирлиги ва ишчанлиги билан тезда ҳаммасабалари орасида олдинги сафга ўтиб олди. У тиккан сарполлар бежиримлиги билан яққол кўзга ташлана бошлади. Жамоада чеварларнинг чевари бўлди. Бу айтгани осон. Лекин, бу камтарин қизнинг меҳнатдаги ҳиммати, ғайрати ва жасорати эди.

Энг афзали тотувлик

«Туркий улуси ўртасида обрўли...»

ҚОЗОҚ ва ўзбек халқларининг келиб чиқиш тарихи-ю маданияти узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ҳар суви бир ўзбек ва қозоқ жаҳонга машҳур сиймоларни берган. «Бобурнома» тарихий асарининг муаллифи Заҳриддин Муҳаммад Бобур, машҳур тарихчи, «Тарихи-Рашидий» («Рашидий тарихи») асарининг муаллифи Муҳаммад Ҳайдар Дувлатий, замонасининг буюк алломаси, тарихчи Али Яздиддан таълим олган қозоқ хони Юнусхон, Қосимхон каби ажойиб кишилар шулар жумласидандир.

Мирза Муҳаммад Ҳайдар Дувлатий Тошкентда туғилган бўлиб, Бобур уни ихтиёда ҳўрмат қилган. Бобур тарихий асарини билан бирга бўлиб, Шундан кейин рухсат сўраб, Қошғардаги хонга кетди. Олтин, кумуш, ғўрғонини, Қандай асл бўлмасин, Торғайга ўз аслига. Ёзинини, сурат солишини, заргарчилик, ёй отишини яхши ўрганибди. У мендан кечирини сўраб хат ёзибди, жумла тузишлари, услублари раван», деб ёган. Туркий халқларнинг бирлашиб қўйлаган Алпомиши, Қўзи Кўрпаш — Ваян...

сулув, Қўрқит бобо, Қирқиз, Эр Қўчка, Эр Торғун каби қисса, достонларда ҳам қон-қардошлигимиз улуғланади. Ҳ аср жуғрофия олими Истахри Қўрқит ота қўшиғи қўбиз билан ҳам, эл бошқариши билан ҳам довуруғи оламга кетган киши эди деса, шеърят султони Навоий Қўрқит ота ҳақида: «Юзингга нур ёсин Қўрқит ота эди, туркий улуси ўртасида ундан обрўли, ундан ўтадиган киши йўқ эди... Неча йил ўзидан аввалгини билиши, неча йил ўзидан сўнгисини, келажакни кўра билиши, унинг ҳайрон қоларлик нақл сўзлари бизгача етиб келган», — деган.

Қозоқ маърифатпарвар шоири Абай мардасида ўқиб юрган давридаёқ Навоийни ўрганиб, ўзига устоз тутган экан. Ўзбекининг бағри кенг, меҳмондўст халқ. Инқилобчи, жамоат арбоби, олим, мураббий, адабиётчи, журилик халқимиз ардоқлаган ал фарзандлари миллий муқтадлик, миллий жумҳурият учун курашиб жонини фидо қилганлар. Менинг истатим гўзал Тошкент кўчаларига икки халқ фарзандлари Турор Рисиқулов, Назир Тўрақулов, Хўсайн Иброҳимовлар ўзбек халқининг ҳам фарзандларидир. Чунки халқимиз ардоқлаган ал фарзандлари миллий муқтадлик, миллий жумҳурият учун курашиб жонини фидо қилганлар. Менинг истатим гўзал Тошкент кўчаларига икки халқ фарзандлари Турор Рисиқулов, Назир Тўрақулов ва Хўсайн Иброҳимов номлари берилса нур устига атло нур бўларди.

Қидирбой Тўлабоев, ўқитувчи.

КИБР БАЛОСИ

ЯҚИНДА Мевазорда ўша Гулининг қўшиқси бўржарлик бир таниш қизини учратиб қолдим. Бироқ уни аввалига танимадим. Очирини айтаман. У жуда камтар, содда эди. Чечрасидан таримасди. У гўзал, ҳаёли, ширин муомалали, малохатли ва латофатли қиз эди. У соғувчилик касбини танлади. Чинакамчи ишлади. Йигиларда мақталди. Ҳатто ишонилиб, унга маъсулятли вазибалар топшириди. Катта дўконга мудир бўлди.

Афсуски, у мақтовларга учибди. Егубор табассум, мулобим кулиги ўрнини сохта қаҳ-қаҳа ағаллади. Кенкайиш, тумшуқ кўтариб юриш, ортқча ноз-ғорқанда кул бўлиб қолди. Ростини гап, Санталат камтарликдан воз кечибди, ҳавни кўрбон қилибди.

Ушга кунин ўзидан йигирма ёшлар чамаси катта бир киши билан ноз-қарашма қилиб турарди. Оғин қулоғида тарияларди. Наҳотки, Санталат иқбол қанотини ўзи синдиришига назм этган бўлса? Ҳовлиқини, кибр-ҳаво билан қадам ташлаш, ўзига ортқча оро бериш, жсан-тусан қилиб юриш қаердан пайдо бўлди унда? Эл ҳўрматини, мартаба ва шарафини оёқ ости қилишга нима сабаб бўлди? Наҳотки, кибр балосига мунқасидан кетган бўлса? Шундай. У оиласини ҳам, гулдай болаларини ҳам менимай қўйди.

Санталат! Сен бир тиниқ чашма эдинг, энди унинг ўрнида лойқа томчи турибди. Билгинки, лойқа балчиққа айланади.

Худойназар ҒОЙИБОВ.



Кейинги йилларда мактаб ўқувчилари ҳаётида яхши ўзгаришлар бўлиб ўтмоқда. Мактаблар техника ускуналари билан, қўрағамали қўроқлар билан пухта жиҳозланмоқда. Ақмал Икромов районидидаги 116-мактабда ҳам электрон ҳисоблаш машиналари билан ишлаш...

ФИЛ ВА ЛАЙЧАЛАР

КАТТАГИНА бир илмий текшириш илмгоҳининг бошлиқ муовини Фил сарнароқчи қиёб қолди. Бу эса нафарат илмгоҳ бошлиғи Тулкиновига, балки ундан юқорироқда ўтирган Қўриш хонлага ҳам ёрмади.

Тулкиновий маслаҳати билан Филга қарши Лайчалар ишига солинди. Улар галалашиб Филга ақилласида унга яқин келишолмас эди. Фил оҳиста ва ваэмин қадам ташлаб ўз йўлида бораб, ўрмон аҳли унинг йўлига қиёб...

ГУЛЬБОҒ НАСИМИ

салом, билан ўз эҳтиромини бажо келтирар эди. Ваэзилар ишларига мушқуллиқ сезсалар Фил ҳўзурига маслаҳатда келтирар эди.

Бунинг қўриш Қашқир қола билан Тулкиновий ина гийбат бозорини қизғинлаштириб, «апа, Лайчалар ақиллашда бир гап бор» — дед шубҳали минн мишлар тарқатишар эди. Ёшини анчага бориб ҳаёт таъбирисан ила бойинган донишманд Фил эса — ҳар қачна гийбат, маломатта чидаб ўз сенини иши, китоблар ўқиш, масаллар тўғри билан машғул бўлар, аламини ишдан олар, ишини биринчи доридармон ҳисоблар ва Рудакий отадан тортиб Саъдий доно...

гача эсинга олиб улар билан маслаҳатлашар эди. Саъдий сўзи эса қизинг ва жоэбилар. У бир жойда:

Арози тош сўндирса зар косоини гар, Тоти нархи ошмайди нархи тушимас зар, деса, яна бир жойда:

Нокаста кишини қўргач бахтиёр, Оқиллар қилдилар сукут ихтиёр, — деганлар.

Ҳа, бу «ов-ов» «ак-ак»лар ўтиб кетгани деб ўйларди Фил ва хотирнам юриварар эди. Чунки мақондашга шоир Саъдий оламга машҳур «Гулистон» асарларида: «Эй биродар, сен пок бўлгуду хотирнам қорабегин, ҳеч нарсадан қўрмагин, чунки фақат қир либосинггина кирчилар тошга уриб ювадилар», деган эдилар. Охири шундай бўлди. Ҳақиқат жойида қарор топди. Тулкиновий ҳам, Қашқир опа ҳам иназоринини тортидилар. Аммо улардан қолган бир-икки Лайчалар ҳали ҳам бор. Ваэзилари ҳатто Вўрига айланиб кетмоқдалар. Бу эса, катта ишга ҳалақит бермоқда. Энди индамай бўлмас:

Муस्ताқиллик олға сурилар, Фикри ишлар қайта қурилар, Ваэзи жойда ишлар навалар, Ишбиларлик қилса бўрилар.

Шоислом ШОМУҲАМЕДОВ, Халқаро Фирдавсий муқофотининг соҳиби, профессор.

Буюк Бобурнинг сеvimли кизи Гулбаданбегим бўлажак куёв билан урашувади дебди:

аксарияти ўз хотинларининг кўр-кўрона итоаткор ва муҳаббат билан юришларини хоҳлайдилар. Ваҳоланки, бундай ҳолат эътиборсиз

инсоний қадр-қиммат ва гуруҳларини йўқотиб қўли табиати бўлиб қоладилар. Оқибатда бу ҳолат наслга салбий таъсир кўрсатиб аёл-

касб қилиб оладилар. Бундай андишасизлик ҳам нобоб фарзандни дунёга келишига сабаб бўлади. Аёллар ақл, фаросат, андиша ва муло-

ни ўзида мужассамлаштириши лозим. Шундагина оилада соғлом, ақлли, ишбилармон ва чиройли фарзандлар туғилади. Натигада аёлларнинг ўзлари ва зоти-зурриятлари бахт-саодатда ҳаёт кечирадилар. Қадр-қиммат ва гуруҳининг сақланиши, айниқса тахт ворисларига ниҳоятда зарур. Акс ҳолда истёждоғиз тахт эгаси ундан тезда маҳрум бўлажак.

Куёв Гулбаданбегимнинг ақл-заковатига таянган бўлиб, унга нисбатан бўлган меҳр-муҳаббат янада жўш урибди.

Ҳамид ЗИЕЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.

Хаёт сабоқлари

КЕЛИНГА ТАН БЕРГАН КУЁВ

